

Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини
механизациялаштириш мухандислари институти

“хаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедраси
“Авария куткарув ишлари” фанидан

ТАҚДИМОТ

Мавзу: Авария куткарув ишларини ташкил килиш фаннинг
хаётфаолияти хавфсизлиги – мухандиси таёрлашдаги ўрини.
Фаннинг мақсади ва дастури.

- Уқув саволлари:
 - 1. Кириш.
 - 2. Фаннинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги Ғмухандиси таёрлашдаги урни?
 - 3. Фаннинг мақсади ва дастури.
-

Маъруза – 36 соат. Амалий машғулот - 36 соат, Муस्ताкил иш – 33 соат.

Жами - 105 соат.

Рейтинг олиш: Билим + Конспект + Муस्ताкил иш + Давомат.

- **1. КИРИШ**

- Ер юзидаги хаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ФВлар натижасида инсонларга, табиатга, атроф-муҳитга жуда катта моддий, маънавий зарар етказилади. ФВларнинг аввалги ва ҳозирги замондаги юз беришини таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг сони тобора ошиб бормоқда. ФВларнинг намоён бўлиш хусусиятлари эса даҳшатли тус олмоқда. Масалан, 2011 йил март ойида Японияда зилзила юз берди ва унинг оқибатида чамаси 10 метрли сув тўлқини қирғоққа чиқди. Офат натижасида эса минглаб уйлар бузилди, 30 минг одам нобуд бўлди ва оилалар уй - жойсиз қолди. Ушбу зилзила бошқа бир фавқулодда вазият - атом электростанциясида катастрофани юзага келтирди.

- Шунингдек, 1995 йил 27 майда Россия, Нефтегорск шахрида 8 балли zilзила oқибатида 95%дан oртиқ бинолар вайрон бўлди, кўплаб одамлар nobуд бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.
- Дунё статистик маълумотларига кўра, ФВлар юз бериш ҳудудлари бўйича Осиёда 39%, Америкада 26%, Африка ва Европада 13%, Австралия ва Океанияда 9%, бошқа ҳудудларда 13% ни ташкил этади. Ер юзасида юз бераётган табиий ФВ лар қуйидагича тартибда жойлашган: тайфунлар 34%, тошқинлар 32%, zilзила 13%, қурғoқчилик 9% ва бошқа офатлар 12% атрофида эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилган. ФВ айрим мамлакатларнинг иқтисодиётига жуда катта зарар етказиши билан бирга, инсонларнинг соғлиғини йўқотиши, ҳаётига зомин бўлаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

- Бундай салбий ҳодисаларни ўрганиш, башоратлаш ва олдини олиш, огоҳлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, турли офат - талофатлар келтирадиган иқтисодий зарарни ва инсонлар ўртасидаги талофат, шикастланиш кўрсаткичларини камайишига олиб келади. Бу эса яшаш шароитида инсон билан муҳит ўртасидаги мувозанатни сақлаш муаммосини ечишни, бунинг учун эса зарурий меъёрий-ҳуқуқий асослар, махсус илмий изланишлар олиб борилиши лозим эканлигини ҳаёт тажрибаси кўрсатмоқда.
- Шу нуқтаий назардан келиб чиққан ҳолда инсон кундалик ҳаёти, ишлаб чиқариш соҳаси ва атроф муҳит тозалигига эътибор бериш инсонияти тараққиётининг муҳим омилларидан бири бўлиб қолади.

- **Фаннинг хаёт фаолияти хавфсизлиги -мухандиси таёрлашдаги урни?**
- Республикамизда, бу борада фавқулодда вазиятларда, фуқаро муҳофазаси бўйича қатор қонун ва ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бинобарин, аҳоли ва ҳудудларни турли ҳил фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ўта муҳим ва долзарб масала эканлигини ҳисобга олган ҳолда, 1996 йили Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифаларидан аҳоли хаёти, соғлиғи, моддий ва маданий бойликларни мамлакатимиз ҳудудида юз бериши эҳтимоли бўлган ФВларда муҳофаза қилишдан иборат.

- Айниқса фавқулодда вазиятлар юз берган тақдирда, авария - қутқарув ва бошқа шошилиш ишларни муваффақиятли амалга ошириш, йил сайин кўпайиб бораётган ФВлар оқибатини юмшатиш, зарарланиш ҳудудларида инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаш алоҳида аҳамият касб этади.
- Қўйилган вазифаларни самарали бажариш фуқоро муҳофазаси (ФМ) соҳасида малакали кадрлар мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда туркум олий ўқув юртларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (ХФХ) йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда ва зарурий ўқув услубий база шакллантирилиб, замонавий ва янги шароитларни жамлаган ҳолда, тобора такомиллаштирилмоқда. Ушбу ўқув қўлланма авария қутқарув ишларни олиб бориш, фавқулодда вазиятлар зарарини имкон қадар камайтириш, зарарланиш ҳудудларида инсонларни қутқариш каби масалалар ва уларнинг ечимлари билан таништиради. ФВдаги шароитда инсонларни қутқариш ва бошқа шошилиш тиклаш ишларни амалга ошириш бўйича зарурий кўникмаларни беради.

- ХХІ асрга келиб, сайёрамизда табиий жараёнлар ниҳоятда кескинлашиб бормоқда. Бу ҳолни нафақат ахён-ахёнда содир бўлаётган зилзилалар, балки сел, кўчки ва бошқа турдаги табиий офатларнинг кўпайиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Ўзбекистонда ҳам турли хилдаги ФВлар юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўзбекистон ҳудудида содир бўлиш эҳтимоли бўлган табиий офатлардан: зилзила, сел, тошқин, кўчкилар кўпроқ учрайди.
- Масалан, **зилзила** Республикамиз ҳудуди сейсмик фаол 5-9 балли зонада жойлашган бўлиб, унда Андижон 9 балл, Тошкент, Самарканд, Фарғона – 8 балл, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Қарши – 7 балли зилзила юз бериши эҳтимоли. Сел ходисаси – Тошкент, Самарканд, Қашқадарё вилоятлари ва Фарғона вилоятининг тоғли ҳудудларида кўпроқ учрайди.

- **Тошқин** – мамлакатимиз ҳудудида жойлашган дарёлар, кўллар, сув омборлари, йирик гидротехник иншоотлар жойлашган, яъни сув хавзалари атрофидаги зоналарда содир бўлади.
- **Кўчки** - жараёни тарқалган ҳудудлар Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Наманган вилоятларидаги зоналарни мисол келтириш мумкин.
- Ҳозирги пайтда Республикамиз ҳудудида муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик иқтисодиёт объектлари фаолият кўрсатиб келмоқда.
- Булар, катта сув омборлари: Тошкент, Чорвоқ, Андижон ва бошқалар;
- газ ва нефт маҳсулотларини қайта ишлаш объектлари:
- Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Муборак газ;
- энергетика объектлари;
- автомобиль саноати объектлари Асака, Самарқанд ва бошқалар

- Шунингдек, ҳозирги кунда кимё саноатида 200 дан зиёд кимёвий иншоотлар фаолият олиб бормоқда.
- «Ўзбеккимёсаноат» корхоналари: Қўқон, Чирчиқ, Олмалиқ, Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларида жойлашган.
- Кимёвий моддалардан фойдаланиладиган Ўзқишлоқхўжалик, «Ўзгўштсут» муассасалари, Бекобод металлургия комбинати ва бошқа кўпгина корхоналардир.
- Бундан ташқари, ҳаво, темирйўл, автомобиль, метрополитен транспорт тизимлари ҳам кенг миқёсда ривожланиб бормоқда.

- Ҳозирги шароитда мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт объектларни муҳофиза қилишни юксак даражага кўтариш, уларни турли фалокатлардан сақлаб қолиш борасидаги ишлар, давлат миқёсида олиб борилаётган тадбирлар қаторида алоҳида ўрин эгаллайди. Шундай экан, мамлакатимизда бунини ҳисобга олган ҳукумат, давлатимиз раҳбарияти мазкур масала билан махсус шуғулланувчи ташкилот - Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ни ташкил этди. Унинг асосий вазифаси фавқулодда вазиятларни олдини олиш билан бир қаторда, юз берган фавқулодда вазиятларни оқибатларини бартараф этиш, зарарини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ. Айниқса фавқулодда вазиятларни оқибатларини бартараф этишда авария қутқарув ишларини қисқа муддатларда тезкор ўтказилиши бирламчи вазифаларга киради.

- Ушбу вазифаларни бажариш учун «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» йўналиши бўйича тайёрланадиган мутахассислар қуйидаги ишларни амалга ошира билишлари керак. Булар жумласига авария ҳолатида ўз вақтида ҳаракат қилиш, оқибатларини бартараф қилиш чора тадбирларни тезкор амалга ошириш, фавқулодда вазиятларда инсонларни ҳаёти, соғлиғини сақлаб қолиш, фавқулодда вазиятлар зарарини камайтириш ва оқибатини бартараф этиш. Ушбу ишларни малакали мутахассислар амалга оширса авария қутқарув ишлари (АҚИ)ни муваффақиятини таъминлайди.

- Соҳа мутахассислари қуйидаги ишларни амалга оширишлари зарур бўлади:
- - фавқулодда вазиятга тезкор киришиш, фавқулодда вазиятларни чеклаш ва оқибатларини бартараф этишда самарали ҳаракатларга шай туриш;
- - разведка ўтказиш, вазиятни баҳолаш ва юқори ташкилотларга тезкор маълумот юбориш;
- - жароҳатланганларни, моддий бойликларни қидириб топиш, қидирув-қутқарув ишларни ўтказиш ва шу кабилар.
- **Қутқариш ишларининг мазмуни қуйидагича:**
- -тузилмаларнинг ҳаракат йўналишлари ва иш участкаларини қидириш;
- тадбирларни амалга ошириш участкаларида ва уларга ўтиш йўлларида ёнғиннинг кенгайишини олдини олиш ва уни ўчириш;

- -буюмлар, қулаган ва ёнаётган биноларда, газ ва тутун босган хоналардан шикастланганларни қидириш ва олиб чиқиш;
- -бузилган, шикастланган, устини уюмлар босиб қолган иншоотларни очиш ва улардаги одамларни қутқариш;
- -шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни даволаш муассасаларига олиб бориш;
- - одамларни кучли таъсир этувчи заҳарли модда (КТЗМ) билан зарарланган хавфли жойлардан, сув босадиган зоналардан хавфсиз жойларга олиб чиқиш ва шу каби ишлар.

- Қутқарув ҳамда шошилишч авария-тиклаш ишлари мураккаб шароитларда вайроналарда, кучли ёнғинларда, ер қимирлаганда, радиоактив, кимёвий ва бактериологик зарарланганда, сув тошқини, сел босган ҳудудларда амалга оширилади.
- Иқтисодиёт объектларда табиий офатлар (зилзилалар, тўфонлар, сув тошқинлар, тоғ кўчкилари, ўрмондаги ёнғинлар ва бошқалар), ҳар хил табиий ва иқлим шароитларида, улардан келиб чиққан асоратларни бартараф қилиш масалалари долзарб ҳисобланади ва шу билан бир қаторда кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни кўрсатишдан иборат.

- Қутқариш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар қуйидагилардан иборат:
- 1. Одамларни қутқариш ва шикастланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш.
- 2. Ёнғинлар, фалокатларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва коммунал энергетика ҳамда технология тармоқларидаги аварияларни бартараф этиш.
- 3. Иқтисодиёт объектларида бундан кейинги бўладиган тиклаш ишларини ўтказиш учун шароитлар яратиш ва бошқалар.
- Авария қутқарув ишлари ва табиий офатларни келиб чиқиш сабабларини, назарий масалаларни ва амалда уларни олдини олиш, қутқарув ишларини ва авариялардан кейин тиклаш ишларини олиб бориш ишларини ўрганишни ўз ичига олади.



• **Фойдаланилган адабиётлар**

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1378-сонли Фармони «Ўзбекистон Республикаси Фавқудода вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида».
- Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқудода вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни. 1999 йил 20 август.
- Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил 26 май.
- Ўзбекистон Республикасининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги қонуни. 1999 йил 19 август.

- Ўзбекистон Республикасининг Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонуни. 1999 йил 20 август.
- Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил 31 август.
- Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил 15 декабрь.
- Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни. 2006 йил 28 сентябрь.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошқинлар, сел оқимлари, қор қўчиш ва ер қўчки ҳодисалари билан боғлиқ ҳавфкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чоратадбирлари тўғрисидаги қарори (2007 йил 19 февраль, ПҚ 585-сонли).

- Владимир В. XXI век: переход к устойчивому развитию//Военные знания №3,1999, с. 38. 26. Вознесенский В. Прогнозирование аварийной ситуации с аммиаком. Военные знания. №5,1999, с. 47-48.
- Дзыбов. М, Пучков В. Оценка опасности чрезвычайных ситуаций. Гражданская защита, №7,1998, с.74-77.
- Зайцев А.П. Защита населения в чрезвычайных ситуациях. Сб. метод, разработок. №2, М., Военные знания, 1998. с. 16-26.
- Зайцев А.П. Чрезвычайные ситуации. Краткая характеристика и классификация. Пособие, М., Военные знания, 1997,80 с.
- Зайцев А. Нужна ли эвакуация? Военные знания, №4, 2000, с. 43-44.
- 1. Касимов С.М. Инженерно-геологическая основа детального сейсмического и микросейсмического районирования. Ташкент, «Фан», 1979,120 с.
- Каримов Х., Эргашев А. Радиационная обстановка в Ўзбекистане. Экологический вестник. №1-2,1999, с.43-49.
- Кирилов Г. Защита населения в районе АЭС//Гражданская защита. №4,1997, с. 58.
- Лыков С.М., Печеркин А.Г., Сидоров В.И., Сумской С.М., Ханин Е.В. Оценка опасности производственных объектов, содержащих окисляющие вещества. Химическая промышленность. №6,1999, с. 49-52.
- Медведев С.В., Шебалин Н.В. С землетрясением можно спорить. М, Наука, 1967, с. 124-128.